



“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН -2030” СТРАТЕГИЯСИНИ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Туйчиев Шавкатжон Шокирали ўғли

Тошкент молия институти таянч докторанти

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p2-73>

ARTICLE INFO

Received: 04th February 2023

Accepted: 13th February 2023

Online: 14th February 2023

KEY WORDS

Рақамли транформацияси, давлат интерактив хизматлари, инфратузилма, давлат бошқаруви, рақамли иқтисодиёт, тарақиёт стратегияси, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон хукумат.

ABSTRACT

Мазкур маъruzada “Raқamli Ўзбекистон -2030” стратегиясини мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон Республикасида соҳаларни рақамли транформация қилиш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, Рақамли ривожланишинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари, “Raқamli Ўзбекистон -2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар баён этилган.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатни рақамлаштирилиш даражаси унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, шунингдек дунёда рақобатбардошлигини белгилайди. Сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларахборот коммуникация технологияларини жараёнларга изчил тадбиқ этиш билан боғлиқ, аҳолининг телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш доираси кенгайиб бормоқда, давлат хизматлари босқичмаларни электрон қўринишига ўта бошлайти ва «ягона ойна» тамойилида фаолият юритмоқда. БМТ рейтингида Ўзбекистон Республикасининг ўрни электрон хукуматни ривожланиши бўйича ошиб бормоқда.

“Raқamli Ўзбекистон - 2030” стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимишининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон хукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Материал ва Метод:



Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида қўйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг, Ўзбекистон Республикасининг чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш;

тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий обьектларни кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

мобил ва йўлдош алоқа операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини яратиш;

мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш;

барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий обьектларни оптик ва мобил кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

автомагистрал ва темир йўллари, туристик обьектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш тарифларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

географик жойлашувидан қатъий назар, фуқароларнинг ўсиб бораётган ахборотга эҳтиёжларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантириш;

истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш, ер усти телевизион эшиттириш, кабель телевидениеси, IP-телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил алоқа, Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиоэшиттириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда рақамли эшиттиришни такомиллаштириш;

"булутли" ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, фойдаланувчи талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш;

бозорнинг эркин ривожланиши имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шароитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун маъмурий тўсиқларни камайтириш;

электрон хукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларини идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улаган ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш;



мамлакатимиз худудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида "хизмат сифатида дастурый таъминот", "хизмат сифатида платформа", "хизмат сифатида инфратузилма" технологияларини кенг жорий этиш;

шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар мұхитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самарадорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун "ақлли" ва "хавфсиз" шаҳар лойиҳаларини изчил амалга ошириш;

кенг полосали уланишни ривожлантиришнинг технологик асоси истеъмолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни, шу жумладан технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳолининг ҳётини қўллаб-қувватлашда ақлли тизимларни жорий этишнинг бир қисми сифатида индивидуал инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга босқичма-босқич киришни таъминлаш учун ягона инфратузилма ёрдамида мультисервис тармоқларини ривожлантириш;

мавжуд алоқа (симсиз ва оптик), симли ва симсиз алоқа технологиялари ва тизимлари, шунингдек, янги географик ахборот ва навигация тизимларининг самарадорлигини ошириш йўлларини ўз ичига олган алоқа ва навигация технологияларини ривожлантириш;

алоқа операторлари ўртасида рақобатни ривожлантириш учун зарур шартшароитларни яратиш.

Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, шу жумладан кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушкини 2022 йилга қадар 60 фоизга етказиш;

электрон ҳукумат ахборот тизимларини ишлаб чиқишида ягона технологик ёндашувни таъминлаш, шу жумладан очиқ кодли дастурый таъминотдан фойдаланган ҳолда давлат органларининг идоравий тизимларини ишлаб чиқиш харажатларини қисқартириш;

истеъмолчилар талабидан келиб чиқсан ҳолда очиқ давлат маълумотларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, "очиқ маълумотлар"га асосланган давлат мобил иловалари ва дастурлари улушкини ошириш;

давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш орқали давлат бошқарувида маълумотларни тўплаш ва рақамлаштириш учун керак бўлган барча ресурсларни яратиш орқали асосланган қарорларни қабул қилишни автоматик равища шакллантириш;



давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, шу жумладан маъмурий тартиботларни автоматлаштириш орқали талаб қилинган маълумотлар ва хужжатларнинг сонини қисқартириш;

лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва уларни реал вақт режимида ишловчи электрон шаклга ўтказиш;

электрон ҳукумат тизими доирасида электрон давлат хизматларидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун шахсни масофадан тасдиқлашнинг қўшимча шакл ва усулларини жорий этилишини назарда тутувчи рақамли идентификациялашни ривожлантириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон ҳукумат тизимлари орқали юридик аҳамиятга эга бўлган ахборот етказиш ва хабардор қилиш имкониятини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини онлайн режимида кузатиш самарали тизимларини ("трекинг") жорий этиш;

давлат органларининг фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;

аҳолининг таклифлари ва мулоҳазаларини, шунингдек, аҳоли фикри асосида амалга оширилаётган лойиҳалар улушини оширишни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини онлайн тарзда муҳокама қилишда фуқаролар ва тадбиркорлар иштирок этиши механизмини янада такомиллаштириш;

давлат органлари ва бошқа субъектларнинг барча хизматлари учун божлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни онлайн тўлаш ва навбатларни автоматлаштириш ахборот тизимлари комплексларини яратиш;

архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва давлат хизматларини кўрсатиш ва очиқ маълумотларни шакллантириш доирасида зарур бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларида маълумотларни шакллантириш;

идоравий ва идоралараро ахборот тизимларини, электрон ҳукумат хизматларини кўрсатувчи давлат органларининг ахборот ресурсларини, марказий маълумотлар базаларини хавфсиз сақлаш ва уларнинг интеграциясини таъминлайдиган, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг турли ахборот тизимларидағи турли тарқоқ ҳамда тақориб маълумотларни кейинчалик таҳлилий қайта ишлаш имкониятини яратадиган Электрон ҳукуматнинг маълумотларини қайта ишлаш марказини яратиш;

жамият ҳаётининг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича рақамли инфратузилмани шакллантиришни ва электрон ҳукумат ахборот тизимларини кенг жорий қилишни янада жадаллаштириш:

соғлиқни сақлаш, бунда тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва электрон хизматларни тақдим этишни ҳисобга олган ҳолда миллий интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш;



таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш; меҳнат фаолияти ва аҳоли ижтимоий таъминотини тартибга солиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; аҳолига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни ташкил этиш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали қурилиш соҳасида шаффофлик ва сифатни ошириш тизимини йўлга қўйиш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш; электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш, углеводород хомашёсини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тўлиқ назорат этиш тизимини йўлга қўйиш; очиқ маълумотларга қулай киришни таъминлаш учун давлат идораларига API-ларни ишлаб чиқиши ва тақдим этиш.

СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуидаги натижаларга эришиш режалаштирилган (мақсадли кўрсаткичлар иловада):

юқори тезлиқдаги Интернет жаҳон ахборот ва мобил алоқа тармоқларидан сифатли, хавфсиз, арzon ва оқилона фойдаланиш;

алоқа ва телекоммуникацияларнинг очиқ ва рақобатбардош бозори;

барча ижтимоий объектларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш;

республика бўйлаб оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини кенгайтириш;

аҳоли пунктларини юқори тезлиқдаги алоқа технологиялари (4G ва б.) билан қамраб олиш даражасини ошириш;

шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тафовутни камайтириш;

электрон ҳукуматни ривожлантириш халқаро рейтингида энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш;

электрон давлат хизматлари улушкини ошириш;

электрон давлат хизматларига ишончни мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат органлари билан хавфсиз ва осон ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

давлат, бизнес ва аҳолининг эҳтиёжларига қараб, ҳисоблаш қувватини самарали тақсимлаш ва ундан фойдаланиш;

республика бўйлаб коммунал соҳада электрон ҳисоблагичлар улушкини ошириш;

анъанавий қоғоз ёки электрон ҳужжатга нисбатан электрон ёзувнинг устунлиги;

дастурий маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш;

IT-паркда резидентлари сонини ошириш;



инвестиция муҳитини яхшилаш, ахборот технологиялари соҳасида инвестициялар самарадорлигини ошириш;

аҳолининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат воситаларидан фойдаланиш кўнилмаларини ривожлантириш;

аҳолининг барча қатламлари учун ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш бўйича кенг имкониятларининг мавжудлиги;

ахборот технологиялари соҳасидаги профессионал кадрлар захирасининг, шу жумладан бошқарув кадрлари захирасининг мавжудлиги;

IT-йўналиши бўйича олий таълим муассасалари битирувчилари сонини ошириш;

республиканинг барча туманларида (шаҳарларида) рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланганлиги эътиборга молик.

Мазкур ҳужжатда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида белгиланган ҳамда “**инсон – жамият – давлат**” деган янги тамойил фаолиятининг асоси ҳисобланади.

Стратегия эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, сифатли таълим-тарбия, маънавий ва маърифий соҳалардаги ислоҳотлар, Куролли Кучларимиз қудратини янада ошириш сингари муҳим масалаларни қамраб олган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартиришни кўзда тутади.

Еттинчи йўналишда ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқизозга йўл қўймаслик учун афғон халқига ёрдам кўрсатиш, Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш масаласи кўтарилган.

«Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Тадбирда ёшлар ўқиб-урганиши, замонавий билим ва кўнилмаларни эгаллаши, хунарли бўлиши учун айни пайтда қабул қилинган Давлат Дастирида кўплаб ташабbusлар илгари сурилгани, режалар айтилгани ҳақида ҳам батафсил тушунтирилиб, мамлакатимизда ёшлар фаолиятига доир бошқа муҳим қарор ва фармонлар, қонунлар қабул қилинаётгани ва



унда ёшларнинг ҳам таклиф, фикр-мулоҳазалари ўрин олаётганлиги ёшларга қаратилаётган юксак эътиборнинг намунаси эканлиги таъкидланди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 11-мақсади «Халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини такомиллаштириш», деб номланган.

Ушбу мақсадни тўлиқ амалга ошириш учун халқ билан очиқ мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш; давлат органларига келиб тушган мурожаатларни жамловчи марказлашган тизимни яратган ҳолда уларни кўриб чиқиш муддати ва сифати устидан рақамли назорат ўрнатиш, аҳолининг кундалик турмуш тарзига бевосита таъсир қилувчи масалалар бўйича мурожаатлар тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш каби муҳим вазифалар белгиланган.

«Тараққиёт стратегияси» маркази Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Парламент модели» лойиҳасини эълон қиласди.

«Ўзбекистон Республикаси Парламент модели»ни ўтказищдан асосий мақсад – ёшларнинг сиёсий тафаккури ва баҳс маданиятини ошириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносида ўтказиладиган муҳокамалар ва қонун қабул қилиш жараёнларида ҳамда партиялар ўртасида бўладиган мажлис ва тортишувларда йигит-қизларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, уларнинг таклифларини ўрганиш ҳамда депутатлар билан мулоқот ўрнатищдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Парламент модели»да иштирок этиш истагида бўлган талабалар <http://yp.strategy.uz> сайти орқали рўйхатдан ўтишлари ва батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди.

Биринчидан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларимиз янги поғонага қўтарилади. Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган, ислоҳотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилади.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиласиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратищдан иборат. Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Айни вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича қўтарилиш мезонлари белгиланади. Шу муносабат билан “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъватга қўшимча қилиб



айтмоқчиман: “Раҳбарлар фақат давлатга әмас, аввало, инсон ва оиласа, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳётини ипидан игнасигача билиши шарт.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутади. Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилади.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди.

Учинчидан, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага teng бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Юртимида Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу



иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз. Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Олтинчидан, бугунги кунда инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Еттинчидан, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Куролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор мақсадимиз бўлиб қолади. Дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишилаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиздир. **Биз – дунёга, дунё – бизга очиқ бўлиши керак.** Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. **Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қоидасига айлантирамиз.**

Шунингдек, 2022 йил учун Тараққиёт стратегиясида қуйидаги еттита устувор йўналишлар илгари сурилмоқда:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;
- умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда ечим топиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёsat олиб бориш.

Электрон ҳукуматни ривожлантиришдаги муаммолар:

- давлат бошқарув идоралари раҳбарларининг электрон ҳукумат тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги;
- бошқарув органлари раҳбар ходимларининг электрон ҳукуматни ривожланиш тенденциясига бефарқлиги;
- раҳбар ходимларнинг электрон ҳукуматни ривожланишида электрон ҳукумат тизими мазмун моҳиятини тушунмасликлари туфайли маъсулиятсизлиги;



- электрон ҳуқумат тизимини шакллантириш ва ривожлантириши йўл харитаси яратилмаганлиги;
- иерархик (республика, худудий, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари) тузилмалар бўйича электрон ҳуқумат тизимини шакллантириш;
- қабул қилинган қонун ва қарорларни маъсулият билан ижросини таъминлаш технологияси ва механизмини яратилинмаганлиги;
- давлат бошқарув органлари ходимларини электрон ҳуқумат концепцияси мавзусида ўқув курслари бўйича малакаларини оширишни ташкил этилмаганлиги;
- инфратузилмани тўлиқ шаклланмаганлиги;
- аҳолини электрон ҳуқумат тизими ва унда иштирок этиш маданияти ва қобилиятини шаклланмаганлиги;
- электрон ҳуқуматнинг жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожланишига, аҳолини турмуш даражасини оширишига ижобий таъсирини ташвиқот қилинмаслиги;
- худудий радио ва телевидения орқали худудий ҳокимликлар фаолиятидан аҳолини воқиф қилиб боришни ташкил этилмаганлиги;
- республика миқёсида телевидениеда маълум бир электрон ҳуқумат тизимиغا ва фаолиятига боғлиқ муаммоларни ҳал этишга бағишлиланган рубрикани ташкил этилмаганлиги;
- ҳар қандай бюрократик тўсиқларсиз ўз фикрини қонунчилик асосида билдирувчи фуқароларнинг илмий асосланган ва инновацион таклиф ва тавсияларини ёритиб борувчи оммавий ахборот воситалари ва газетасини жорий этилмаганлиги;
- электрон ҳуқумат тизимининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини тўғри англамаган халқнинг жуда паст даражадаги активлиги, бефарқлиги ёки тазийқдан хавфсирашлиги;
- электрон ҳуқуматни ривожлантиришда худудий урф одат, маданият, қадриятлар, худуд бошқарув органлари ходимларини, ҳокимларни худудда истиқомат қилувчи аҳоли таркибидан сайланиб олинмаслиги каби хусусиятлар;
- республикада электрон ҳуқумат тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ягона концепцияси яратилмаганлиги, ривожланиш босқичлари белгиланмаганлиги;
- аҳолини давлат бошқарувидаги активлигини ошириш мақсадида давлат бошқарув органлари ва ҳокимликларидағи маълумотларнинг шаффофлигини паст даражадалиги ёки аҳолини бундай маълумотлардан бехабарлиги;
- Нодавлат нотижорат “Давлатни инновацион стратегик ривожлантириш” институти ташкил этилмаганлиги (ташқи ва ички муносабатларни ривожлантиришда);
- Электрон ҳуқумат тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга оид маҳаллий ва хорижий лойиҳаларни ишлаб чиқилмаганлиги ва молиялаштирилмаганлиги.

Мамлакатимизда рақамили иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳуқумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча худудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани



малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа худудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Бунда, 2020 — 2022 йилларда худуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг полосали уланиш портларини 2,5 миллионгача қўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 фоиздан 95 фоизга етказилади;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

худудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўқитилади.

References:

1. Butaboyev, M., Urinov, A., Mulaydinov, F., & Tojimatov, I. Digital economy.
2. Горовик, А. А., Мулайдинов, Ф. М., & Лазарева, М. В. (2018). Дистанционное образование как необходимое средство обучения в условиях современной экономики узбекистана. In Цифровой регион: опыт, компетенции, проекты (pp. 122-125).
3. Kokand, F. M., Kokand, R. T., & Kokand, D. M. (2020). Trends in solving problems in the development of an innovative economy. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(6), 1205-1209.
4. Мулайдинов, Ф. М. (2021). КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКДА КРАУДФАНДИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 4), 23-32.
5. TURSUN, S., TUYCHIEVICH, B. M., & MUROTOVICH, M. F. (2020). Effects of the Global Crisis on the Economy of Uzbekistan During the Coronavirus Pandemic and Measures to Ease IT. JournalNX, 6(05), 277-280.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 apreldagi "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699-son qarori



7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 martdagi "2017 — 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida"gi PF-5953-son farmoni
8. Hannah V.Minkevitch "To tax or not to tax? That's not the question: The role of tax within maturing world of e-commerce" Berkeley Technology Law Journal, Vol 27, Annual review of law and technology (2012) pp 705-735
9. Ilichev, S. K. Osobennosti nalogoooblojeniya v sfere elektronnoy kommersii / S.K. Ilichev. – M.: Market DS, 2004; Kastelskaya, A.V. Primeneniye konsepsii istochnika doxoda i postoyannogo predstavitelstva pri nalogoooblojenii elektronnoy torgovli /
10. Toshmatov Sh.A. Korxonalar iqtisodiy faolligini oshirishda soliqlar rolini kuchaytirish muammolari. diss...i.f.d. – T. 2008
11. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy sayti <https://cbu.uz/oz/>
12. O'zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi rasmiy sayti ma'lumotlari. <http://mitc.uz/uz/news/513>
13. The guardian jurnali ma'lumotlari. <https://www.theguardian.com/commentis>
14. <https://mineconomy.uz/uz/node/1484>
15. <https://lex.uz/docs/3107036>
16. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>